

БОЛАЛАРДА СУВЧЕЧАК КАСАЛЛИГИНИНГ АСОРАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Тошкент тиббиёт академияси талабалари **Довутхўжаева Махсума
Мақсуджонова, Ортиқбоева Феруза Рихсибой қизи**

Аннотация: Ушбу мақолада ўрта ёшдаги болаларда сувчечак касаллигини кечиши, оқибатлари, даволаш муолажалари келтирилган. Айниқса касалликни асоратларини ўрганишда илмий таҳлиллар олиб борилган. Текширувмиздаги ўғил болаларда касаллик асоратлари қизларга нисбатан икки баробар кўпроқ учради, бизнинг кузатувимиздаги асоратларнинг кўп қисми (46%) МНС асоратлари ташкил этди.

Калит сўзлар: Сувчечак, болалар, энцефалит, менингоэнцефалит, пневмония, антибиотик.

ИЗУЧЕНИЕ ОСЛОЖНЕНИЙ ВЕТРЯНОЙ ОСПЫ У ДЕТЕЙ

Аннотация: В данной статье представлены последствия заболевания ветрянкой у детей среднего возраста, лечебные процедуры. Был проведен научный анализ, особенно в случае осложнений заболевания. В нашем исследовании осложнения заболевания у детей мужского пола были в два раза чаще, чем у девочек, большинство осложнений в нашем наблюдении (46%) были осложнениями МНС.

Ключевые слова: Ветряная оспа, дети, энцефалит, менингоэнцефалит, пневмония, антибиотик.

STUDY OF COMPLICATIONS OF CHICKENPOX IN CHILDREN

Annotation: This article presents the consequences of chickenpox disease in middle-aged children, treatment procedures. Scientific analysis was carried out, especially in the case of complications of the disease. In our study, the complications of the disease in male children were twice as likely as in girls, most of the complications in our observation (46%) were complications of MNS.

Keywords: chickenpox, children, encephalitis, meningoencephalitis, pneumonia, antibiotic.

Муаммонинг долзарблиги: Сувчечак (Varicella) - Герпесвирус инфекцияси бўлиб, ўткир юқори контагиозли, кўпроқ болалар касалланадиган, ўртача даражада намоён бўлган умумий интоксикация, везикулёз энантема, латент инфекция кўринишида вируснинг узок муддат персистенцияси билан ифодаланадиган юқумли касаллик бўлиб ҳисобланади. [1]

Биринчи марта сувчечак касаллиги 16 аср ўрталарида Италия шифокорлари В.Видиус ва Ф.Инграссиа мустақил касаллик деб таъкидлашларига қарамасдан 1911

йилда сувчечак везикулаларидан алоҳида ажратиб олиниб назологик касаллик сифатида ўрганилган. [2-3]

1990 йилларда АҚШда бутун давлат бўйича оммавий эмлаш олиб борилди. Шу кунга қадар сувчечак касаллиги билан ётқизилган 10000 бемордан 100 нафаргача ўлим қайд қилинган. Шулардан 15 ёшгача бўлган болалар 43% ни ташкил этган. [4-5]

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг сўнгги маълумотларига кўра, охириги 4 йил мобайнида сувчечак касаллиги билан касалланиш бир хил тенденцияда учраган. Бироқ касаллик болаларда кўпроқ оғир асоратлар билан кечиши кузатилмоқда.

Тадқиқот мақсади: Замонавий шароитларда болаларда сувчечак касаллигининг асоратларини ўрганиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: Текширув 2022-2023 йиллар мобайнида Тошкент шаҳар юқумли касалликлар шифохонасининг Реанимация бўлимида 20 нафар 7 - 14 ёшгача бўлган болаларда ўтказилди. Тадқиқотга олинган бемор болаларда анамнез маълумотлари, умумий қон, сийдик, бактериологик, инструментал (ултратовуш, рентгенорафик) текширувлар ўтказилди.

Тадқиқот натижалари: Кузатувдаги беморлар ёши бўйича таксимоти қуйдагича:

- 7- 8 ёшгача бўлган болалар 6 нафар (30%),
- 9 - 10 ёшгача бўлган болалар 4 нафар (20%),
- 11 - 12 ёшгача бўлган болалар 5 нафар (25%),
- 13 - 14 ёшгача бўлган болалар 5 нафар (25%) ташкил этди.

Текширувдаги болаларнинг 13 нафари (65%) ўғил болалар ва 7 нафари (35%) қиз болаларни ташкил этди. Кузатувдаги бемор болаларда марказий нерв системаси (МНС) асоратлари (энцефалит, менингоэнцефлит) 9 нафарида (45%) кузатилди. Пневмония 6 нафар (30 %) бемор болаларда аниқланди. Тери ва шиллик қаватларнинг йирингли яллиғланиши 5 нафар (25%) беморларда кузатилди. Ушбу беморлар стандарт давдан ташқари антибиотиклар (цефтриаксон, метронидазол), глюкокортикостероидлар (дексаметазон, преднизалон) ва вена ичига иммуноглобулинлар: МНС асоратларида иммуносупрессив дозада (0,4-1,0 г/кг, кунига 1 маҳал, ҳар куни курсли дозагача 1,0-3,0 г/кг), тери ва шиллик қаватларнинг йирингли яллиғланишлари мавжуд беморларга пассив иммуностимуловчи терапия (0,2-0,3 г/кг, ҳар куни, кунига 1 маҳал) қўлланилди.

Хулоса: Юқоридаги кўрсаткич натижалари шуни кўрсатдики, ўғил болаларда касаллик асоратлари қизларга нисбатан икки баробар кўпроқ учради, бизнинг кузатувимиздаги асоратларнинг кўп қисми (46%) МНС асоратлари ташкил этди, қолган асоратлари пневмония, тери ва шиллик қаватларнинг йирингли яллиғланишлари 25 % дан ташкил қилди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Медицинская вирусология: руководство под ред. Д.К. Львова. – М.: МИА, 2008. – 656 с.
2. Селькова, Е.П. Эпидемиология ветряной оспы Е.П. Селькова Бюллетень «Вакцинация». – 2009. – №1. – С. 5–7.
3. Баликин, В.Ф. Расширение клинического полиморфизма и нарастание тяжести инфекции *Varicella zoster* у детей В.Ф. Баликин, М.С. Филофова Материалы XIII Конгресса детских инфекционистов России «Актуальные вопросы инфекционной патологии и вакцинопрофилактики». – М., 2014. –С. 8.
4. Meyer P.A., Seward J.F., Jumaan A.O. et al. Varicella mortality: trends before vaccine licensure in the United States, 1970-1994. *J. Infect.* 2000; 182:383-390.
5. Galil K., Brown C., Lin F. et al. Hospitalisations for varicella in the United States, 1988 to 1999. *Pediatr. Infect. Dis. J.* 2002; 21:931-934.